



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil «28» сентябрь

№ПК-319

Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида:

1. 2023 йил 15 октябрдан бошлаб 1-иловага мувофиқ дастлаб 28 та туман (шаҳар)да эксперимент тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ижтимоий ходимлар гурӯҳлари томонидан ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилсин.

2. Қўйидагилар туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидағи ижтимоий ходимлар гурӯҳлари (кейинги ўринларда – ижтимоий ходимлар)нинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оиласаларга (кейинги ўринларда – ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли) бевосита маҳалла даражасида комплекс ёндашув асосида професионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёjlари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаларини (кейинги ўринларда – индивидуал ижтимоий хизматлар режаси) ишлаб чиқиш;

индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ **ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг** кўрсатилишини ташкил қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда индивидуал ижтимоий хизматлар режасига тегишли тузатишлар киритиб бориш;

ички ресурсларни, шу жумладан **ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўнгиллиларни** (қариндошлар, қўни-қўшнилар, волонтёрлар) ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш бериш.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишда ижтимоий ходимларга ҳар томонлама кўмак бериш бўйича шахсан **масъул** ва **жавобгар ҳисобланади**.

3. Белгилансинки:

2023 йил 15 октябрдан бошлаб талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган **шахс деб эътироф этиш** ёки **бекор қилиш**, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг қарорига асосан амалга оширилади;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга **олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш** ҳуқуқи берилади.

4. Республика миқёсида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар режаси **2-илювага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов мазкур қарорга 1-илювада кўрсатилган 28 та туман (шаҳар)да ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишининг янги тизимини йўлга қўйиш жараёнида юзага келадиган тизимли муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб борсин.

Қайд этилсинки, эксперимент даврида туман (шаҳар) ҳокимликлари “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида аҳолига ижтимоий изматлар ва ёрдамларни кўрсатиш тизимини ташкил этиш бўйича “йўл хариталари”ни тасдиқлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Агентлик директори М.П. Оллоёров уч ой муддатда эксперимент натижаси бўйича ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тизимини барча ҳудудларда жорий этиш бўйича таклиф киритсин.

7. Ўрнатилсинки:

Агентлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тазиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

ижтимоий ходимлар фаолиятининг **самарадорлигини баҳолаш мезонлари** ўрнатилган тартибда Агентлик томонидан тасдиқланади;

ижтимоий ходимлар фаолиятининг **самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофотлар** Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Ижтимоий инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларига Агентлик томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган вазирлик ва идоралар ҳамда улар тизимидағи ташкилотларга уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатмаган (ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда кўрсатган) ходимларига **нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар** киритиш ваколати берилади.

Белгилансинки, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда ижтимоий ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ давлат харидлари, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

8. Адлия вазирлиги:

2023 йил 1 ноябрга қадар Агентлик билан биргалиқда “Ижтимоий хизмат дарчалари”нинг асосий фаолият йўналишларини белгиловчи регламент тасдиқланишини;

2023 йил 1 декабрга қадар Агентлик буюртмасига асосан “Ижтимоий хизмат дарчалари” тўлиқ фаолият олиб бориши учун зарур моддий-техник база, мебель жиҳозлари, шу жумладан алоқа воситалари (интернет, коммуникация ва бошқалар) билан жиҳозланишини;

2024 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиалларида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишга ихтисослашган “Ижтимоий хизмат дарчалари” фаолияти тўлиқ ташкил этилишини таъминласин.

9. Қўйидагилар:

а) Агентлик 2023 йил 1 ноябрга қадар:

“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя АТ) ижтимоий хизматларни мувофиқлаштирувчи **алоҳида электрон модуль (e-case)** ишлаб чиқилишини ҳамда унинг фаолият кўрсатишини;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидағи ижтимоий ходимлар томонидан фуқароларнинг **аризаларини онлайн қабул қилиш тажрибаси** мазкур қарорга 1-иловада белгиланган 28 та туман (шаҳар)да эксперимент тариқасида йўлга қўйилишини таъминласин;

б) Рақамли технологиялар вазирлиги, Агентлик Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 декабрга қадар Ижтимоий ҳимоя АТга “Мехр дафтари”, “Саховат ва кўмак”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” ахборот базалари, шу жумладан ушбу дафтарларга киритилган фуқаролар ҳамда уларга тайинланган тўловлар тўғрисида маълумотлар интеграция қилинишини таъминласин.

10. Агентлик:

а) 2024 йил 1 январга қадар:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли муаммоларини аниқлаш тизимини **ягона саволнома асосида** йўлга қўйилишини;

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифаларини аниқлаш юзасидан таклифлар Ҳукуматга киритилишини таъминласин;

б) 2024 йил 1 марта қадар давлат томонидан ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишда **ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасини тузиш** амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар Ҳукуматга киритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига Агентлик буюртмаси асосида тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларга маблағлар ажратиб бориш тавсия этилсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олувчи тегишли Ҳукумат қарори;

Ижтимоий ҳимоя АТ тизимига интеграция қилинадиган электрон маълумотлар базалари ва идоралараро маълумотлар алмашинуви рўйхати тасдиқланишини таъминласин.

13. Агентлик вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Агентлик директори М.П. Оллоёров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-319-сон қарорига
1-илова

**Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар дастлаб йўлга қўйиладиган
туманлар (шаҳарлар)
РЎЙХАТИ**

T/p	Туман (шаҳар) номи	Маҳаллалар сони (бирлик)	Ижтимоий ходимлар сони (бирлик)
	Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Беруний тумани	40	28
2.	Хўжайли тумани	28	18
	Андижон вилояти		
3.	Андижон шаҳри	83	52
4.	Хўжаобод тумани	39	16
	Бухоро вилояти		
5.	Қоракўл тумани	50	26
6.	Пешку тумани	37	20
	Жиззах вилояти		
7.	Бахмал тумани	33	22
8.	Ғаллаорол тумани	35	26
	Қашқадарё вилояти		
9.	Қарши тумани	58	40
10.	Деҳқонобод тумани	54	22
	Навоий вилояти		
11.	Конимех тумани	15	6
12.	Навоий шаҳри	36	22
	Наманган вилояти		
13.	Косонсой тумани	59	24
14.	Чуст тумани	72	36
	Самарқанд вилояти		
15.	Пахтачи тумани	59	26
16.	Каттақўрғон шаҳри	36	10

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Маҳаллалар сони (бирлик)	Ижтимоий ходимлар сони (бирлик)
	Сурхондарё вилояти		
17.	Термиз шаҳри	37	20
18.	Узун тумани	51	26
	Сирдарё вилояти		
19.	Ховос тумани	28	14
20.	Гулистон шаҳри	24	12
	Тошкент вилояти		
21.	Янгийўл тумани	64	28
22.	Тошкент тумани	70	26
	Фарғона вилояти		
23.	Фарғона шаҳри	73	46
24.	Данғара тумани	46	22
	Хоразм вилояти		
25.	Урганч тумани	60	28
26.	Янгибозор тумани	30	14
	Тошкент шаҳри		
27.	Олмазор тумани	64	44
28.	Мирзо Улуғбек тумани	70	46

**Республика миқёсида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
I. Ижтимоий ходим фаолиятини йўлга қўйиш					
1.	Ижтимоий ходимларни лавозимларга танлаб олиш ишларини ташкил қилиш.	Ижтимоий ходимларни лавозимга тайинлашда қўйидаги чораларни кўриш: ижтимоий ходимлар лавозимига номзодлар рўйхатини шакллантириш; бўш турган лавозимлар рўйхатини очик манбаларда эълон қилиш; объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятили шахсларни ижтимоий ходим лавозимига ишга қабул қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
2.	Ижтимоий ходимнинг хизмат фаолиятига доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	Ижтимоий хизматларни кўрсатиш бўйича ишларни ташкил этиш ва юритиш стандартларини (кейс-менежмент) тасдиқлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
3.	Эксперимент тариқасида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар дастлаб йўлга қўйиладиган туманларда (шаҳарларда) ижтимоий хизмат тизимини йўлга қўйиш.	Қўйидагиларни назарда тутувчи "йўл харита"сини ишлаб чиқиш ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқлаш: чар бир маҳалланинг маҳалла фуқаролар йиғинлари биносида ижтимоий ходимлар учун алоҳида хона ажратиш ва уни зарур жиҳозлар билан таъминлаш; ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш соҳасидаги масъул органлар ўртасида вазифалар тақсимотини белгилаш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
4.	Ижтимоий ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш.	Жойларда, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинларида ижтимоий ходимлар учун алоҳида хона ажратилишини ҳамда уларга ишлаш учун зарур шароитлар яратиш чораларини кўриш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
II. Ижтимоий хизматлар соҳасини тақомиллаштириш					
5.	“Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик танловини ўтказиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади: “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик танловини ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилаш; кўрик танлов ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш ва танловни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш; кўрик танловда баҳолаш мезонлари ва шартларини ишлаб чиқиши; кўрик танлов ғолибларини рағбатлантириш тизими.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил декабрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
6.	Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритиш тизимини тақомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади: “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритиш тартиб-таомиллари; ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолининг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритиш бўйича аризаларини қабул қилиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил январь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро мүддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		ҳамда уларни тегишлилиги юзасидан кўриб чиқиш учун сектор раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига юбориш имконини яратиш механизми.			қизлар қўмитаси
7.	Тутинган ота-оналарни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида тутинган ота-оналарнинг тайёрлов курсларини ташкил этиш;</p> <p>тайёрлов курслари оила ва болаларга хизматлар кўрсатувчи бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам ташкил этилишини рағбатлантириш;</p> <p>ижтимоий ходимлар, шу жумладан Агентлик томонидан вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштириладиган ва мониторинг қилинадиган фаолият йўналишлари бўйича ходимларнинг шартнома асосида малакасини ошириш механизмлари.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил январь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Миллий гвардия, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси

III. Ижтимоий ҳимояга мұхтож аҳоли қатлами билан ишлаш

8.	Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар доирасини кенгайтириш.	Қўйидаги комплекс чораларни амалга ошириш назарда тутилади:	ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари фаолиятини қайta кўриб	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил ноябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
----	--	---	---	-----------------------	-----------------	---

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		чиқиш орқали бошпаналар (шелтерлар) ташкил қилиш; муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларига “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш.	Қўшма қарор		Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
9.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож санаторийларга йўлланма бериш такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади: Агентлик тизимидағи кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга йўлланма бериш тизимини такомиллаштириш; санаторийларга йўлланма учун юзага келган навбатларни қисқартиришга доир шаффоф механизм жорий этиш; кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи санаторийларда даволаниш харажатларини компенсация қилиш; йўлланмаларни бериш даврийлигини қайта кўриб чиқиш; санаторийлар бошқарув тизими давлат ҳусусий шериклик шартларида асосида жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил ноябрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, “Нуроний” жамғармаси
10.	Алоҳида эҳтиёжлари болаларнинг олишларини ташкил этиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади: ягона психологик-тиббий-педагогик комиссияларни;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил ноябрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
	тизимини тақомиллаштириш.	<p>алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, мактаб-интернатларда қисқа муддатли таълим ва тарбия беришга мўлжалланган гуруҳларни;</p> <p>ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларида болалар реабилитацияси бўйимларини ташкил этиш.</p>			Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
11.	Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади:</p> <p>ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартибини тақомиллаштириш;</p> <p>замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш;</p> <p>протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситаларини етказиб берувчи субъектларни рағбатлантириш тизими.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил ноябрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
12.	Давлат органлари ва ташкилотларининг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги масъулиятини ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ижтимоий ҳимоя тизими ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонуний талабларини бажармаслик ва бошқа қонун бузилишлар юзасидан тўғридан-тўғри маъмурӣ жазо чораларини қўллаш бўйича Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил декабрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилади.			
13.	Айрим тоифадаги шахслар манфаатини ҳимоя қилишда давлат божидан озод этиш тизимини йўлга қўйиш.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади:</p> <p>васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ота-оналарнинг муомала лаёқатини чекланган деб топиш, уларни ота-оналил ҳуқуқидан маҳрум этиш, болаларни ота-оналаридан уларни ота-оналил ҳуқуқидан маҳрум этмасдан олиб қўйиш, шунингдек, агар болаларнинг ота-оналари ота-оналил ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса ва болалари билан биргаликда яшашлари мумкин эмас деб топилса, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисидаги даъво аризалари киритиши муносабати билан давлат божидан озод қилиш;</p> <p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказилганлиги бўйича давлат божидан озод қилиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил декабрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
14.	Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади:</p> <p>ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш;</p> <p>ногиронликни баҳолаш ва аниқлашнинг тиббий моделидан ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш бўйича</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил февраль	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		чора-тадбирларни белгилаш.			
15.	Давлат ва хусусий телеканалларда аҳолининг кўмакка муҳтоҷ қатлами ижтимоийлашувини таъминлашга қаратилган ахборот материаллари эълон қилиб борилишини йўлга қўйиш, бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг мазкур ахборотлар фойдаланиши учун қўшимча имкониятлар яратиш.	<p>Давлат ва хусусий телеканалларининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, янгилик ва кўнгилочар кўрсатувларнинг сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилишини доимий тарзда таъминлаш чораларини кўриш.</p> <p>Давлат ва хусусий телеканалларда оғир ҳаётий аҳволга тушиб қолган оиласарга мотивация бўладиган, улар дуч келаётган муаммоларни ёритиш, жамиятда мавжуд стереотипларни ўзгартириш, зўравонликка қарши курашиш, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоийлашувига қаратилган туркум сериаллар, теленовеллалар, маҳсус теле кўрсатувлар ва радио эшилтиришлар тайёрлаш ва эфирга узатиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар дастури	Доимий	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Кинематография агентлиги
16.	Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар билан уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисида ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш мезонларини ҳамда ижтимоий шартномага якка тартибда ишлаб чиқилган ижтимоий мослашув дастурини амалга ошириш назарда тутилади.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил февраль	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
17.	Ота-онаси хорижий мамлакатларга ишлашга (меҳнат мигрантлари) кетган шахсларнинг болаларини ижтимоий	Ота-онаси хорижий давлатларга кетган, шу жумладан ташқи меҳнат миграциясига кетган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича таклифлар	Таҳлилий маълумот	2024 йил март	Миллий гвардия, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил,

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
	Ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.	тайёрлаш.			Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
18.	Фарзандликка олиш тизимини такомиллаштириш.	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилади: фарзандликка олувчилар учун қўйиладиган талабларни уларнинг ёши ёки оиласвий аҳволидан келиб чиқиб кенгайтириш; фарзандликка олиш тизимини соддалаштириш; болани фарзандликка олган шахслар учун синов муддатини белгилаш ёки маълум муддатга патронатга бериш тартибини жорий этиш; фарзандликка олиш ва ундан кейинги даврларда аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш.	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил май	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

